

**АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ СОТИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Эшмурадов Улуғбек Ташмуратович***<https://orcid.org/0009-0005-5325-9176> [ulugbek1983.05@gmail.com](mailto:ulugbek1983.05@gmail.com)*

**Аннотация:** *Агрокластерларда тайёр маҳсулотларни сотиш жараёни, агрокластерда бир ишлаб чиқариш бўлинмадан иккинчи ишлаб чиқариш бўлинмага бериш ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга сотишни ўз ичига олади. Агрокластерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳаракатини олиб қарайдиган бўлсак, дастлаб улар агрокластерга қарашли ишлаб чиқариш бўлинмасида ишлаб чиқилади ёки агрокластерга қарашли бўлмаган қишлоқ хўжалик корхоналаридан сотиб олинади, сақланади, қайта ишланади, қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот олинади ҳамда олинган маҳсулот сотилади.*

*Мазкур мақолада аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёр маҳсулотлар моҳияти ва тан олинishi ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришишлар жараёни аудитини ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган.*

**Калит сўзлар:** *Кластер, агрокластер, ишлаб чиқариш жараёни, тайёр маҳсулот, сотиш жараёни, инвентаризация, аудит режаси, аудит дастури.*

Тайёр маҳсулотларни сотиш ва бошқа ишлаб чиқаришлар жараёни агрокластерларда муҳим жараёнлардан бири бўлиб, бу жараёнда улар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш тайёр маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнида нобудгарчилини олдини олиш ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси агрокластерларда тайёр маҳсулотларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишлари аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини аудитнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш заруриятини кўрсатмоқда.

Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритишда аудиторлик текширувларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аудиторлик текшируви бир тамондан текширилаётган объектнинг ҳолати, сақланиши ва мақсадга мувофиқ фойдаланишини таъминласа, иккинчи томондан бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишини назорат қилиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқишлар аудити, тайёр маҳсулотларни даромадга олиншидан бошлаб, уларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар жараёнида тайёр маҳсулотлар нобудгарчилигини олдини олади, тўла сақланиши ва мақсадга мувофиқ сарфланишини таъминлайди.

Иқтисодий терминларнинг манбаларда “тайёр маҳсулот (инглизча: finished product)га турлича таърифлар берилган, жумладан, иқтисодий терминлар луғатида “Тайёр маҳсулот бу қонун билан белгиланган, техник ва сифат кўрсаткичлари шартнома шартларига ёки бошқа ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган, сотиш учун мўлжалланган товар-моддий заҳираларнинг бир қисми (ишлаб чиқариш циклининг якуний натижаси, қайта ишлаш (танлаш) билан яқунланган активлар)” [7] деб таъриф берилган.

Иқтисодчи-олимлар Н.П.Кондраков [4.328б.] ва Т.Д.Бурсулая [2] лар тайёр маҳсулотларга қўйидагича таърифлайди: “Тайёр маҳсулотлар - булар тўлиқ қайта ишланган, амалдаги стандартларга ёки техник шартларга мос келадиган, ташкилот ёки буюртмачи (харидор) омборида қабул қилинган буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар”. Ушбу таърифда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатида қаралганда, тайёр маҳсулот ҳисобланган барча қишлоқ хўжалик тайёр маҳсулотлари тўлиқ қайта ишланган ҳисобланмайди, улар бошқа ишлаб чиқариш босқичида қайта ишланиши эътибордан четда қолган.

К.Б.Уразов ва М.Э.Пўлатовлар қайд этишича “Тайёр маҳсулот деганда, ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортиқ қайта ишловни талаб қилмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга қабул қилинган тайёр буюмлар тушунилади” [5.317б.]. Ушбу таърифда муаллифлар томонидан, бир ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар, кейинги ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида иштирок этиши ҳисобга олинмай қолган.

Ф.Ғ.Ғуломова ёзишича эса, “Тайёр маҳсулот - бу муайян корхонада ишлов берилиши тўлиқ тугалланган, стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ва тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулот” [3.33б.]. Бу ерда ҳам муаллиф томонидан юқорида қайд этилган фикрларга эътибор қаратилмаган.

Н.Т.Юлдашевнинг таърифича: “Тайёр маҳсулот деб корхона томонидан ишлаб чиқариш жараёнларидан тўлиқ ўтган ва омборга сотиш мақсадида қабул қилинган барча талаб ва стандартларга жавоб берувчи маҳсулотларга айтилади” [6]. Ушбу таърифда “тайёр маҳсулот” “жавоб берадиган маҳсулот” деб эътироф этилган бўлиб, бироз ноаниқ бўлиб қолган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, “тайёр маҳсулот - бирон бир ишлаб чиқариш жараёнидан олинган, шу жараёнда ишлов бериш яқунланган, стандарт талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, харидорга ёки кейинги ишлов беришга жўнатилган ёки омборга топширилган буюм ёки ярим тайёр маҳсулот”.

Агрокластерларда тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва ҳисобдан чиқариш жараёни бухгалтерия ҳисобининг муҳим участкаларидан бири бўлиб, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилиши ва юритилиши тайёр маҳсулотларни тўлиқ даромадга олиш, нобудгарчиликларни олдини олиш,

мақсадга мувофиқ сарфланишини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилиши аудиторлик текширувлари ва ички назорат тизими орқали назорат қилиб борилади.

Агрокластерларда тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимларини аудити катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки агрокластерларда бир ишлаб чиқариш бўлинмасини тайёр маҳсулоти иккинчи бўлинмасига хом ашё сифатида берилади. Яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бўлинмада - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (дон, сабзавот, мева ва ҳ.к.лар) тайёр маҳсулот бўлса, қайта ишлайдиган бўлинмаларда қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар (мева, сабзавот, узум шарбати ва ҳ.к.лар) тайёр маҳсулот ҳисобланади.

Агрокластерларда тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар билан боғлиқ жараёнларни қуйидаги икки гуруҳга бўлишимиз мумкин (1-расм):



1-расм. Агрокластерларда тайёр маҳсулотларни сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар.

Агрокластерларда тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимлари аудитининг ташкилий жиҳатларида аудитор, дастлаб тайёр маҳсулотларни сотилиши ва бошқа чиқимлари аудитининг режаси тузиб олади. Аудит режасининг тўғри тузилганлиги, аудиторлик текшируви ишончли бўлишлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун биз қуйидаги кўринишдаги аудит режасини таклиф қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимлари аудитининг режаси

№	Аудиторлик текшируви босқичлари	Текширув даври	Бажарувчи
1.	Тайёр маҳсулотлар мавжудлигини текшириш (инвентаризация ўтказиш)	21.11-21.11	Солиев Р. Ф.
2.	Тайёр маҳсулотларни харидор ва буютмачиларга сотиш	22.11-22.11	Солиев Р. Ф.
3.	Тайёр маҳсулотларни ўз ички бўлинмаларига сотиш	23.11-23.11	Солиев Р. Ф.
4.	Тайёр маҳсулотларни ўз ходимларига меҳнат ҳақи бидан сотиш	23.11-23.11	Солиев Р. Ф.
5.	Тайёр маҳсулотларни субъектга тегишли савдо дўконлари йрмакаларда сотиш ва ҳ.к.лар	23.11-24.11	Солиев Р. Ф.
6.	Тайёр маҳсулотларни бошқа ҳисобдан чиқаришлар (хайрия у каби бошқа мақсадларга текинга бериш; нобуд бўлиши ва ий камайиши; инвентаризация натижасида кам чиқиши ва ар)	24.11-24.11	Солиев Р. Ф.
7.	Тайёр маҳсулотлар чиқими бўйича оралиқ аудиторлик ируви ҳисоботни тузиш	24.11-24.11	Солиев Р. Ф.

1-жадвалдаги тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимлари аудитининг режаси аудитнинг умумий режасининг ичида бўлиб, бунда аудит ўтказилаётган субъектнинг катта-кичиклиги, ички аудит тизимининг ишончлигига боғлиқ бўлади.

Аудит режасидан сўнг, аудит дастури тузилиб, дастурда бажариладиган ишлар аудит объектлари бўйича ва текширувни ўтказиш усуллари аниқлаштирилиб олинади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишдаги аудит дастурини таклиф қиламиз (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимлари аудитининг дастури

Аудиторлик текшируви босқичлари	Аудит манбалари	Текширувни ўтказиш усули	Сарф-ланади -ган иш вақти	Бажа-рувчи
Тайёр маҳсулотлар мавжудлигини текшириш (инвентаризация ўтказиш)	Омбор ҳисоби дафтари; омбордаги ҳақиқатда мавжуд тайёр маҳсулотлар.	Ялпи ёки танлама инвентаризация	7	Солиев Р.Ф., инвентаризация аъзолари
Тайёр маҳсулотларни харидор ва буютмачиларга сотиш	Шартномалар; счет-фактуралар; ички бўлинма ҳисоботлари.	Тўлиқ текшириш	7	Солиев Р.Ф.
Тайёр маҳсулотларни ўз ички бўлинмаларига сотиш	Юк хатлари (хўжалик ички ҳисоби учун); ички бўлинма ҳисоботлари	Тўлиқ текшириш	3	Солиев Р.Ф.
Тайёр маҳсулотларни ўз ходимларига меҳнат ҳақи ҳисобидан сотиш	Юк хатлари (хўжалик ички ҳисоби учун); тўлов қайдномалари.	Тўлиқ текшириш	1	Солиев Р.Ф.
Тайёр маҳсулотларни	Юк хатлари (хўжалик	Тўлиқ	3	Солиев Р.Ф.

субъектга тегишли савдо дўконлари ёки ярмакаларда сотиш ва ҳ.к.лар	ички ҳисоби учун), моддий жавобгар шахс ҳисоботи, касса кирим ордери.	текшириш		
Тайёр маҳсулотларни бошқа ҳисобдан чиқаришлар (хайрия ва бошқа мақсадларга текинга бериш; нобуд бўлиши ва табиий камайиши; инвентаризация натижасида кам чиқиши ва ҳ.к.лар)	Топшириш-қабул қилиш далолатномаси; инвентаризация далолатномаси.	Тўлиқ текшириш	3	Солиев Р.Ф.
Тайёр маҳсулотлар чиқими бўйича аудиторлик текширувини оралиқ ҳисоботни тузиш	-	Оралиқ аудиторлик хулосаси	4	Солиев Р.Ф.

Тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимлари аудитининг режасида, аудиторнинг текшурувлар вақтида амалга оширадиган текшув босқичлари, усуллари, аудит объектлари, бажарувчи белгилаб берилади.

Халқаро стандартларга мувофиқ агрокластерларда тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимлари аудитининг услубий жиҳатларида аудитор асосан амалга ошириладиган хўжалик жараёнлари ва операцияларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келишига эътиборни қаратиши лозим бўлиб, қуйидаги кетма-кетликда аудиторлик текширувини ўтказишни таклиф қиламиз:

- тайёр маҳсулотларни омборларда сақланиши ва омбор хўжалигини юритишдаги бухгалтерия ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилганлиги;
- тайёр маҳсулотларни баҳолаш усуллари ва уларни ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги;
- тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича шартномалар мавжудлиги, шартномалар тўғри тузилганлиги ва шартларини бажарилишини;
- тайёр маҳсулотларни бошқа чиқимлари бўйича бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштирилганлигини;
- тайёр маҳсулотлар сотилиши ва бошқа чиқимлари бўйича тузилган бухгалтерия проводкалари тўғрилигини;
- тайёр маҳсулотларни ҳисоб регистрларидаги маълумотларни молиявий ҳисобот маълумотларига мослигини.

Таклифларимизни амалиётда қўлланилиши, халқаро стандартларга мувофиқ агрокластерларда тайёр маҳсулотларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишлари аудитини такомиллаштиришга хизмат қилиб, аудиторлик текширувлари ишончилигини таъминлашга хизмат қилади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. lex.uz
2. Бурсулая Т.Д. Учет выпуска готовой продукции. <https://www.audit-it.ru/articles/account/assets/a11/1017103>.
3. Ғуломова Ф.Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма. 2-қайта ишланган ва кўшимчалар киритилган нашр. -Т.: «НОРМА» МЧЖ, 2009. 496 б.
4. Кондраков Н. П. Самоучител по бухгалтерскому учету.-7-е изд., перераб. и доп. - М.: Проспект, 2021. 608 с.
5. Уразов К.Б. ва Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 558 б.
6. Юлдашева Н.Т. Тайёр маҳсулот сотилиши ҳисобини янада такомиллаштириш йўллари. Таълим фидойилари. Электрон журнал. ISSN: 2180-2130. Vol.,1, ISSNE 1 май 2022.
7. Экономические термины. <https://neftegaz.ru/tech-library/economy/147119-готовая продукция/>. [https://ru.wikipedia.org/wiki/готовая продукция](https://ru.wikipedia.org/wiki/готовая_продукция).
8. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. -Т.:, 2022. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture>.
9. Eshmuradov, O. T., & Alikulov, A. I. (2022). Evaluation and accounting of material working cash in agroclusters as an object of accounting. Academic research in educational sciences, 3(Special Issue 1), 102-109.
10. Eshmuradov, U. T. The methodology of the primary account sales of agricultural products. In CONSTRUCTII IDENTITARE-LITERATURA SI STUDII CULTURALE (pp. 113-118). Editura Vasiliana'98.
11. Эшмуратов, У. Т. (2022). СОТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ БЎЙИЧА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ. Архив научных исследований, 2(1).
12. Ulugbek, T. E., & Abdimumin, I. A. (2014). Improvement Accounting Of Sales Agricultural Products On Farm Enterprises. SEA-Practical Application of Science, (5), 649-654.
13. ESHMURADOV, U. T., & ALIKULOV, A. I. (2014). IMPROVEMENT ACCOUNTING OF SALES AGRICULTURAL PRODUCTS ON FARM ENTERPRISES. SEA: Practical Application of Science, 2(3).
14. Tashmuratovich, E. U. B. (2023). Agroklasterlar sotish jarayonlarida segmentar hisobotlarning ahamiyati. Научный Фокус, 1(7), 790-795.
15. Olimjonovna, J. R. D., & Tashmuratovich, E. U. B. (2023). AGROKLAsterLARDA KAPITAL SARFLAR HISOBINI TASHKIL ETISHNING NAZARIY ASOSLARI. MASTERS, 1(1), 112-118.

16. Eshmuradov, U. B. (2023). Sotish jarayonlari hisobini buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari asosida takomillashtirish.
17. Tashmuratovich, E. U. (2023). ACCOUNTING AND AUDIT IMPROVEMENT OF READY SALE PRODUCTS IN AGROCLUSTER. The Journal of Economics, Finance and Innovation, 649-657.
18. Ortiqaliev, A. B. (2022). CHORVACHILIK YO 'NALISHIDAGI FERMER XO 'JALIKLARIDA SOTISH HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH. AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI, 1155-1159.
19. Olimjanovna, J. D., & Tashmuratovich, E. U. (2024). CONCEPT AND ACCOUNTING OF CAPITAL INVESTMENTS IN AGRICULTURAL CLUSTERS. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 7(3), 182-188.
20. Tashmuratovich, E. U. B., & Xaitovich, Y. S. (2024). G 'ALLACHILIK KLASSTERLARIDA TRANSFERT BAHO BELGILASHNI USULLARI TAHLILI. Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting, 4(01), 133-141.
21. Ixtiyorovich, Q. L. A., Shavkat o'g'li, I. R., & Tashmuratovich, E. U. B. (2023). XARAJATLAR HISOBIDA QO 'LLANILADIGAN ATAMALAR MOHIYATI TAHLILI VA ULARNI TIZIMLASHTIRISH. MASTERS, 1(1), 127-131.
22. Эшмурадов, У. Т. (2022). СОТИШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАЛҚИНИ. Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions (Germany), 861-867.
23. Alikulov, A. I., & Abdushukurov, K. B. (2023). Improving the analysis of financial results in agroclusters. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(9), 310-316.
24. Alikulov, A., & Abduraxmonov, F. (2023). Qishloq xo'jalik korxonalarida yakuniy moliyaviy natijalar hisobini takomillashtirish. Academic research in educational sciences, 4(SamTSAU Conference 1), 174-181.
25. Ismatovich, A. A. (2023). THEORETICAL BASIS OF ORGANIZING THE ACCOUNT OF COMMODITY MATERIAL ASSETS IN AGROCLUSTERS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS. MASTERS, 1(1), 132-137.
26. Jo'raeva, D. O., & Abdushukurov, X. B. (2023). UZUMCHILIK PLANTATSIYALARINI BARPO ETISH XARAJATLARI HISOBINI TASHKILIY-USLUBIY ASOSLARI. The Journal of Economics, Finance and Innovation, 690-699.
27. Alikulov, A. (2023). Organizational and methodological bases of accounting the costs of establishing vineyards.
28. Alikulov, A., & Razzoqo, A. (2023). PAXTA TOZALASH KORXONALARIDA ISHLAB CHIQRISH XARAJATLARINI TAHLIL QILISH. Academic research in educational sciences, 4(SamTSAU Conference 1), 74-83.
29. Baxodirovich, T. J., & Ismatovich, A. A. (2023). IMPROVING THE ACCOUNT OF FINANCIAL RESULTS ACCORDING TO INTERNATIONAL STANDARDS. MASTERS, 1(1), 138-143.

30. Rabbimovna, R. U., Baxtiyorovna, N. G., & Muxammadkulovna, Y. D. (2024).  
AGROKLASTERLARDA TOVAR-MODDIY QIYMATLIKLAR HISOBI VA  
AUDITINI TAKOMILKASHTIRISH. WORLD OF SCIENCE, 7(3), 140-146.